

**МАВЗУ: ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИНИ  
ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ**

- 1. Ишлаб чиқаришни экстенсив ва интенсив ривожлантиришнинг моҳияти.**
- 2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни асосий омиллари.**
- 3. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари.**

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг қуйидаги омиллари муҳим аҳамият касб этади:**

- Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш.
- Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш.
- Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш.
- Қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш.
- Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш.
- Моллар озуқаси ва улардан олинадиган маҳсулотларни стандартлаштириш
- Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш.
- Мутахасисларнинг малакасини ошириш. Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларни тадбиқ этишда кадрларни мутахасислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас.
- Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;
- Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган минерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;
- Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатади;
- Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унимдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

- Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари) :

Иф-Ис

- $$Ид = \frac{\text{Иф} - \text{Ис}}{Е}$$

Бунда: Ид- интенсивлик даражаси,

Иф- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,

Ис- жорий ишлаб чиқариш сарфи,

Е- ер майдони

## Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари қуйидагилар:

- а).қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;
- б).қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;
- в).қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш.
- г).ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;
- д).қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларни қўллаш)
- е).қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш)
- ж).қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

- Қишлоқ хўжалигини интенсифлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи:  
*-бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:*

$$\begin{array}{ccc}
 \text{ЯМ} & \text{ЯД} & \text{СД} \\
 \text{Си} = \frac{\text{-----}}{\text{МХар}} & \text{ёки} & \frac{\text{-----}}{\text{МХар}} \quad \text{ёки} & \frac{\text{-----}}{\text{МХар}}
 \end{array}$$

Бу ерда: МХар - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат;  
*-бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):*

$$\begin{array}{ccc}
 \text{ЯМ} & \text{ЯД} & \text{СД} \\
 \text{Си} = \frac{\text{-----}}{\text{АсФ+АйФ}} & \text{ёки} & \frac{\text{-----}}{\text{АсФ+АйФ}} \quad \text{ёки} & \frac{\text{-----}}{\text{АсФ+АйФ}}
 \end{array}$$

Бу ерда: АсФ - асосий ишлаб чиқариш воситалари иймати, минг сўм;

АйФ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.